

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ОЛИЙ МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ МАҚСАДЛИ
ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3365-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги **низомга 2-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 июль,
606-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 июлдаги 606-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш тартиби
тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3365-сон қарорига мувофиқ олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш (кейинги ўринларда мақсадли докторантура деб аталади) тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

мақсадли докторантура — бир олий таълим ёки илмий муассаса учун етишмаётган илмий даражали кадрларни бошқа муассасада шартнома асосида тайёрлаш;

буюртмачи ташкилот — олий малакали илмий ва илмий педагог кадрларга эҳтиёжи мавжуд бўлган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси, шунингдек, вазирлик, идора ёки ташкилот;

давлатлараро мақсадли докторантура — Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган муассаса томонидан бошқа мамлакатнинг олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси учун кадрлар тайёрлаш;

идора ичидаги мақсадли докторантура — олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассаса томонидан ўзи идоравий мансуб вазирлик ёки идора тасарруфидаги бошқа ташкилот, олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассаса учун кадрлар тайёрлаш;

идоралараро мақсадли докторантура — олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси томонидан бошқа вазирлик, идора ва ташкилотлар учун кадрлар тайёрлаш.

3. Мақсадли докторантура идора ичида, идоралараро ҳамда давлатлараро шаклда амалга оширилади.

4. Докторантларни идора ичида ва идоралараро мақсадли тайёрлаш учун олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси ва буюртмачи ташкилот ҳамда докторант ўртасида белгиланган тартибда уч томонлама шартнома тузилади.

5. Давлатлараро мақсадли докторантура халқаро шартномалар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан тартибга солинади.

6. Идора ичида ва идоралараро мақсадли докторантурага қабул қилинган изланувчиларга таянч докторантура ва докторантурага қабул қилинган изланувчилар учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда стипендия тўланади ҳамда таътил берилади.

7. Мақсадли докторантурага қабул қилинган докторант диссертация ишини ҳимоя қилиб, давлат намунасидаги тегишли дипломни олганда ёхуд унинг диссертация иши докторантура даврида тегишли илмий даражалар берувчи илмий кенгаш томонидан ҳимояга қабул қилинганда докторантура муваффақиятли яқунланган ҳисобланади.

8. Мақсадли докторантура мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

2-боб. Мақсадли докторантура фаолиятини ташкил этиш

9. Мақсадли докторантурага номзодлар буюртмачи ташкилот томонидан тавсия этилади. Бунда, бир ўринга юборилаётган номзодларнинг сони қоида тариқасида камида икки нафар бўлиши лозим.

10. Буюртмачи ташкилот тегишли мутахассисликлар бўйича илмий даража ва илмий унвонга эга профессор-ўқитувчилари мавжуд ҳамда замонавий илмий-тадқиқот базасига эга бўлган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасига маълум бир ихтисослик бўйича мақсадли докторантурага квота ажратиш юзасидан хат юборади.

Хатга буюртмачи ташкилот биринчи раҳбари томонидан имзоланган мақсадли докторантурага кириш учун номзодларга берилган тавсияномалар илова қилинади.

11. Олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб, тегишли ихтисослик бўйича мақсадли докторантурани амалга ошириши ёки амалга ошира олмаслиги тўғрисида буюртмачи ташкилотга Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги **Қонунида** белгиланган муддатларда ёзма жавоб юборади.

12. Мақсадли докторантурага қабул қилувчи олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси ҳар йили 1 майга қадар ўзлари тизимига қирадиган вазирлик, идора ёки ташкилотга мақсадли докторантурага қабул қилиш юзасидан квота ажратиш бўйича мурожаат қилади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

13. Тасарруфида олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ҳар йили 15 майга қадар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжлар, амалдаги олий таълимдан кейинги таълим институтларининг самарадорлиги, таълим олаётган докторантлар, мустақил изланувчилар контингенти, илмий раҳбарлар ва илмий консультантларнинг самарали ишлари, шунингдек мазкур Низомда белгиланган, бир нафар илмий раҳбар ҳамда бир нафар илмий консультантга бириктириладиган докторантлар сонидан келиб чиқиб, кейинги йилдан бошлаб таянч докторантурага, докторантура ва мақсадли докторантурага Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет маблағлари ҳисобига ўқитиш учун қабул квотаси бўйича асосланган таклифлар билан мурожаат қиладилар.

(13-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 6 ноябрдаги 696-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2020 й., 09/20/696/1481-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

14. Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар бўйича қабул квотаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисидаги **низомига** асосан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланади ҳамда ҳар йили 1 июндан кечикмасдан тегишли равишда тасарруфида олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга юборилади.

(14-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 6 ноябрдаги 696-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2020 й., 09/20/696/1481-сон)

Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар тегишли ихтисослик бўйича тасдиқланган қабул квотаси тўғрисидаги маълумотни тасарруфида бўлган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасига ҳар йили 15 июнга қадар тақдим этадилар.

15. Мақсадли докторантурага ўқиш учун талабгорлардан ҳужжатлар олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси қабул комиссияси томонидан ҳар йили 15 сентябрдан 15 октябргача бўлган даврда қабул қилинади.

3-боб. Мақсадли докторантурага қабул қилувчи олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси ҳамда буюртмачи ташкилотнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

16. Мақсадли докторантурага қабул қилувчи олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси куйидаги ҳуқуқларга эга:

докторантнинг илмий фаолиятини назорат қилиш ва ҳисобот материалларини сўраб олиш;

илмий раҳбар ва консультантларнинг докторантни хорижий етакчи илмий марказларга илмий хизмат сафарига юбориш тўғрисидаги илтимосномаси асосида илмий хизмат сафарига юборишнинг мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш;

шахсий режаларини бажармаган докторантларни докторантурадан четлатиш ва бу ҳақда буюртмачи ташкилотга хабар бериш. Мазкур масала ушбу муассасанинг коллегиял органи (илмий кенгаши, кенгаши, илмий-техник кенгаши, илмий-мувофиқлаштирувчи кенгаши ва бошқалар) қарори билан расмийлаштирилади.

17. Мақсадли докторантурага қабул қилувчи олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси куйидаги мажбуриятларга эга:

мақсадли докторантурага фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун магистр даражаси ёки клиник ординатура (тиббиёт фанлари учун) ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги дипломга эга бўлган, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган хорижий мамлакатларда олинган илмий даражаларга эга бўлган шахсларни танлов асосида қабул қилишни таъминлаш;

фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун номзодларнинг малакавий имтиҳонларини топшириши, умумназарий тайёргарлиги ва илмий-тадқиқотлар ўтказиши учун зарур шароитларни яратиб бериш;

докторант билан илмий раҳбар ёки консультант ўртасида илмий изланишлар бўйича жиддий келишмовчиликлар юз берганда докторантнинг илмий раҳбарини ёки консультантини алмаштириш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш. Бунда мазкур масала ушбу муассасанинг коллегиял органи (илмий кенгаши, кенгаши, илмий-техник кенгаши, илмий-мувофиқлаштирувчи кенгаши ва бошқалар) қарори билан расмийлаштирилади;

ҳар йили докторантнинг шахсий режасини амалга ошириш тўғрисидаги ҳисоботини тинглаш ва ҳисобот натижалари бўйича хулоса тайёрлаш ҳамда унинг бир нусхасини буюртмачига тақдим этиш.

18. Буюртмачи ташкилот қуйидаги ҳуқуқларга эга:

докторантнинг илмий фаолиятини назорат қилиш ҳамда ҳисобот материалларини сўраб олиш;

диссертация ишини ўз муддатида ҳимоя қила олмаган докторантлар билан меҳнат муносабатларини улар билан келишган ҳолда белгиланган тартибда ҳал этиш.

19. Буюртмачи ташкилот мақсадли докторантурага юборилаётган номзодларнинг тегишли ихтисослик бўйича тавсия этилишини, бунда, бир ўринга юборилаётган номзодларнинг сони қоида тариқасида камида икки нафар бўлишини таъминлаш мажбуриятига эга.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

20. Докторантурани муваффақиятли яқунлаган шахс уни ўқишга юборган буюртмачи ташкилотда камида уч йил ишлаб бериши лозим.

Диссертация иши ҳимоя қилинмаганда меҳнат муносабатлари буюртмачи ташкилот томонидан докторант билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

21. Мақсадли докторантурага кириш имтиҳонларини ташкил этиш, номзодлардан талаб қилинадиган ҳужжатлар, ўқиш муддати, докторантурадан четлатиш, илмий раҳбар ва консультантларни тайинлаш, четлатиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, ҳисобот тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган таянч докторантура ва докторантурага қўйилган талаблар ва муддатлар асосида амалга оширилади.

(21-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 6 ноябрдаги 696-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2020 й., 09/20/696/1481-сон)

22. Мазкур Низом талабларига риоя қилмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисидаги **низомга**
ИЛОВА

Мақсадли докторантурани амалга ошириш

СХЕМАСИ

Олдинги таҳрирга қаранг.

Босқичлар	Масъуллар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Амалга ошириш муддати
1-босқич	Буюртмачи ташкилот	1. Тегишли мутахассисликлар бўйича таълим муассасаси ва илмий ташкилотга мақсадли докторантурага квота ажратиш юзасидан хат юбориш. 2. Хатга буюртмачи ташкилот биринчи раҳбари томонидан имзоланган мақсадли докторантурага кириш учун номзодларга берилган тавсияномаларни илова қилиш.	Ҳар йили 10 апрелга қадар
2-босқич	Манфаатдор таълим муассасаси ва	Тегишли ихтисослик бўйича ички имкониятлардан келиб чиқиб, мақсадли докторантурани амалга ошириши ёки амалга	Ҳар йили 25 апрелга қадар

	илмий ташкилот	ошира олмаслиги тўғрисида буюртмачи ташкилотга ёзма жавоб юбориш.	
	Мақсадли докторантурага қабул қилувчи таълим муассасаси ва илмий ташкилот	Тасарруфига кирадиган вазирлик, идора ёки ташкилотга мақсадли докторантурага қабул қилиш юзасидан квота ажратиш бўйича мурожаат қилиш.	Ҳар йили 1 майга қадар
3-босқич	Тасарруфида таълим муассасаси ва илмий ташкилот мавжуд бўлган вазирлик, идора ва ташкилотлар	<p>Инновацион ривожланиш вазирлигига қуйидагилар бўйича асосланган таклифлар билан мурожаат қилиш:</p> <p>олий малакали илмий, илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжлар;</p> <p>амалдаги олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларининг самарадорлиги;</p> <p>таълим олаётган докторантлар, мустақил изланувчилар контингенти, илмий раҳбарлар ва илмий консультантларнинг самарали ишлари;</p> <p>битта илмий раҳбар ҳамда битта илмий консультантга бириктириладиган докторантлар сонидан келиб чиқиб, кейинги йилдан бошлаб таянч докторантурага, докторантура ва мақсадли докторантурага Давлат бюджети маблағлари ҳисобига ўқитиш учун қабул квотаси.</p>	Ҳар йили 15 майга қадар
4-босқич	Инновацион ривожланиш вазирлиги Вазирлик, идора ва ташкилотлар	<p>1. Докторантура қабул квотасини тасдиқлаш ҳамда тегишли равишда тасарруфида таълим муассасаси ва илмий ташкилот бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга юбориш.</p> <p>2. Тегишли ихтисослик бўйича тасдиқланган қабул квотаси тўғрисидаги маълумотни тасарруфида бўлган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасига етказиш.</p>	Ҳар йили 1 июнга қадар Ҳар йили 15 июнга қадар
5-босқич	Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси қабул комиссияси	Мақсадли докторантурага ўқиш учун талабгорлардан ҳужжатларни қабул қилиш.	Ҳар йили 15 сентябрдан 15 октябргача
6-босқич	Таълим муассасаси ва илмий	Мақсадли докторантурага кириш имтиҳонларини ташкил этиш, номзодлардан талаб қилинадиган ҳужжатлар, ўқиш	Белгиланган муддатларда

	ташкilot	муддати, докторантурадан четлатиш, илмий раҳбар ва консултантларни тайинлаш, четлатиш, хужжатларни расмийлаштириш, ҳисобот тақдим этиш.	
--	----------	---	--

(илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 6 ноябрдаги 696-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2020 й., 09/20/696/1481-сон)

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 июлдаги 606-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган
Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш
ва қўшимчалар**

1. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар бундан мустасно) олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига ўқишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва ёки халқаро шартномаларга мувофиқ тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига ўқишга фуқаролар билан тенг ҳуқуқларда қабул қилинади.

2. 8-банднинг **биринчи хатбошиси** қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Сўнгги уч йилда изланувчилари ўз вақтида ҳимоя қилган илмий раҳбар ва илмий маслаҳатчиларга ОТМ ёки ИТМнинг коллегиял органи хулосаси асосида бештадан кўп бўлмаган изланувчилар бириктирилиши мумкин».

3. 14-банд қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«ОТМ ва ИТМ вазирлик ва идора томонидан бюджет маблағлари ҳисобидан ажратилган квоталардан ташқари эҳтиёж бўлган йўналишларига изланувчининг тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан қўшимча қабул квотасини шакллантириши мумкин. Тўлов-контракт суммаси ОТМ ва ИТМ тегишли бўйсунувидаги вазирлик, идора ва ташкilot томонидан белгиланади».

4. 44-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Талабгорлар ОТМ ёки ИТМ раҳбарининг ҳар чоракда 5 март, 5 июнь, 5 сентябрь ва 5 декабр гача эълон қилинадиган буйруғи билан мустақил изланувчиликка расмийлаштириладилар. Буйруқда, шунингдек, мустақил изланувчиларнинг илмий раҳбарлари ва илмий консултантлари (консултант бўлган тақдирда) белгиланади».

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.07.2019 й., 09/19/606/3457-сон; 07.11.2020 й., 09/20/696/1481-сон)